ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 81:42

ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ПОЛИКОМПОНЕНТЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ МАҚОМИ ВА ДИСКУРСИВ ЖИҲАТЛАРИ

Ғ.М. Ҳошимов, С.Ж. Назарова

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми қиёсий-типологик нуқтаи назардан ўрганилган. Поликомпонентли қўшма гаплар тузилишига кўра таснифланган ҳамда уларнинг дискурсив жиҳатлари очиб берилган. Поликомпонентли қўшма гапларда лингвокогнитив ва лингвокультурологик семантиканинг воқеланиш усуллари аниқланиб, уларнинг қиёсланаётган тиллардаги изоморфик ва алломорфик жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: *гап, поликомпонентли қўшма гаплар, компонент, коммуникатив интенция, тенглашиш, тобелашиш (эргашиш), асиндетик боғланиш, синдетик боғланиш, аралаш боғланиш.*

*В статье рассматривается статус поликомпонентных сложных предложений в разносистемных (англ**и**йском и узбекском) языках с сравнительно-типологической точки зрения. На этом основании поликомпонентные сложные предложения классифицируются по струкутуре и раскрываются их дискурсивные свойства, выяв**л**яются способы вербализации лингвокогнитивной и лингвокультурологической семантик в таких предложениях, устанавливаются их изоморфные и алломорфные свойства в сравниваемых языках.*

Ключевые слова: *предложение, поликомпонентное сложное предложене, компонент, коммуникативная интенция, сочинение, подчинение, асиндетическая связь, синдетическая связь, смешанная связь.*

Тил инсониятга тўлақонли мулоқот воситаси сифатида хизмат қилар экан, унда йирик коммуникатив бирликлар саналувчи гаплар муҳим ўрин тутади, чунки самарали мулоқот жараёнини содда гаплар, айниқса, қўшма гапларнинг ранг-баранг турларисиз тасаввур қилиш қийин. Бунга асосий сабаб мулоқотдошларнинг муайян когнитив асосга эга бўлган мураккаб коммуникатив интенция (муддао)ларини ўз суҳбатдош(лар)ига тўлақонли ва тушунарли қилиб етказишларида нисбатан катта қамровга эга бўлган қўшма гаплар муҳим аҳамият касб этади.

Тилда сўзловчилар/ёзувчилар объектив борлиқни турли-туман концептлар асосида инъикос эттирар эканлар, тафаккурда акс этган барча билимларнинг тилда мавжуд сатҳ бирликлари, яъни фонема, морфема, морфофонема, лексема, синтаксема (фразема, сентенсема), фразема (фразеологик бирлик) ва текстемалар орқали воқелантирилиши умумлисоний қонуният бўлиб, қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тиллари бундан мустасно эмас (баъзида эҳтиёжга кўра паралингвистик воситалар қўлланилиши ҳам кузатилади). Шундай экан, қўшма гаплар, шу жумладан, поликомпонентли қўшма гаплар маълум воқелик билан боғлик мураккаб когнитив мазмунни, яъни сабаб, мақсад, ўрин, пайт, шарт, натижа, қиёс, тарз, даража-миқдор каби грамматак концептларни алохида ёки узвий боғликликда ифодалаш учун махсуслашган бўлиб, тил ва нутқда алоҳида бир тизимни ташкил этади.

Шу кунгача кўплаб тилшуносlар, жумладан, Н.С.Поспелов [1], Л.С.Бархударов, Д.А.Штелинг [2], Ғ.Абдураҳмонов [3], Б.Ильиш [4], В.Г.Адмони [5], А.М.Мухин [6], М.И.Черемисина, Т.А.Колосова [7], Г.Ф.Калашникова, В.Соляник [8], М.Я.Блох [9], А.Нурмонов [10], Ғ.Ҳошимов [11] қўшма гап синтаксиси юзасидан изланишлар олиб борганлар. Юқоридаги олимларнинг ишларида қўшма гапларнинг назарий асослари яратилган, уларнинг синтаксис тизимидаги мақоми ҳам аниқланган, тавсифи, таърифи

ва таснифи берилган, муайян терминологик аппарати ҳам ишлаб чиқилган. Мазкур изланишлар тилшуносликнинг анъанавий йўналишида амалга оширилган бўлиб, замонавий антропоцентрик йўналишдан бир қадар фарқланади, уларда қўшма гаплар каби йирик синтактик бирликларнинг когнитив асослари ва лингвокультурологик жиҳатларига эътибор қаратилмаган, лекин уларнинг структурал-семантик ва коммуникатив-функционал жиҳатлари яхши ўрганилган. Шундай қилиб, махсус адабиётларда қўшма гапларнинг маълум турлари, шу жумладан, уларнинг поликомпонентли турларининг айрим структурал-семантик жиҳатлари маълум даражада ўрганилган бўлса-да, уларнинг таърифи ва таснифи масаласи, лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари деярли тадқиқ этилмаган, уларнинг анъанавий содда ва қўшма гап турларидан фарқи, тил тизимида мавжудлиги, мулоқотда кенг қўлланилишининг лисоний ва нолисоний омиллари очиб берилмаган. Қайд этилган муаммоларнинг айримларига тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги замон тилшунослигида уч ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган қўшма гаплар тилшуносларнинг алоҳида эътиборини тортмоқда, чунки уларнинг синтаксис тизимидаги мақоми ҳанузгача аниқланмаган. Ушбу синтактик конструкцияларга нисбатан «Composite sentences of a mixed type» (аралаш турдаги қўшма гаплар) [11], «Многочленные сложные предложения» (кўп аъзоли қўшма гаплар [12] «Сложные синтаксические конструкции» (мураккаб синтатик қурилмалар) [13], «Сложные предложения смешанной конструкции» (аралаш қурилмали қўшма гаплар) [14], «Сложноспаянное предложение» (қўшма қоришиқ гап) [5], «Усложненные сложные предложения» (мураккаблашган қўшма гаплар), «Усложненное сложноподчиненное предложение» (мураккаблашган эргаш гапли қўшма гап) [15], «Аралаш қўшма гаплар» [3], «Гипертаксемалар», «Супертаксемалар», «Архитаксемалар» ва «Ультратаксемалар» [16], «Proposeme, dicteme, cumuleme, occurseme» (пропозема, диктема, кумулема, оккурсема) [9] каби атамалар қўлланиб келинган.

Юқорида санаб ўтилган илмий тадқикотларда поликомпонентли қўшма гапларнинг у ёки бу жиҳати маълум даражада тадқиқ этилган. Жумладан, М.И.Черемисина ва Т.А.Колосоваларнинг монографиясида қўшма гапларнинг тузилишига кўра турлари, уларни боғловчи воситалар, қўшма гап компонентлари таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотда муаллифлар икки, уч ва ундан ортиқ компонентдан иборат қўшма гапларни «бином», «трином» ва «полином» деб номлайди [7. Б. 12 – 13]. Н.С.Валгина эса иккидан ортиқ предикатив бирликдан ташкил топган қўшма гапларни уларнинг қисмлари орасидаги синтактик муносабатга кўра фарқлайди: бир турдаги синтактик алоқали гапларни «предложения с однотипной синтаксической связью» ва кўп аъзоли қўшма гапларни «многочленные сложные предложения», турли турдаги синтактик алоқали қўшма гапларни «предложения с разнотипной синтаксической связью», мураккаб синтактик конструкцияларни эса «сложные синтаксические конструкции» деб номлайди [13. Б. 346]. Муаллиф фикрига кўра, кўп аъзоли қўшма гаплар орасидаги синтактик муносабат фақат бир турли алоқа («однотипная связь»), яъни тенг боғланишли, фақат тобе боғланишли алоқа ёки фақат боғловчисиз бўлиши мумкин [13. Б. 346]. Шунга ўхшаш ёндашув Г.В.Гаврилова [15. Б. 6] ва Л.К.Дмитриева, Г.Н.Манаенко каби тадқиқотчилар изланишларида ҳам кузатилади [17. б. 5]. М.Я.Блох эса инглиз тилида қўшма гапларнинг ўзига хос аралаш турларини ажратар экан, *«диктема, кумулема ва оккурсема»* атамаларини ишлатади [9].

Қўшма гаплар тадқиқида Ғ.М.Ҳошимов томонидан яратилган «*таксемик назария*» ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда асосан қўшма гапларнинг ҳажми масаласига, яъни улардаги компонентлар сони, структурал-семантик жиҳатлари, компонентлар орасидаги синтактик боғланишлар турлари, компонентларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатлари, уларнинг терминологик аппарати ва метатили масалаларига асосий эътибор каратилган [16]. Мазкур тадқиқотда таксема (taxeme) катта лингвистик белги билан

ифодаланган инвариант синтактик бирлик бўлиб, энг камида битта грамматик эга ва битта грамматик кесимдан иборат бўлади. Шу маънода таксеманинг бир тури бўлган монотаксема (monotaxeme) фақат бир эга-кесимлик шаклидан иборат бўлган гап – содда гап бўлса, политаксема (polytaxeme) эса бирдан ортиқ эга-кесимлик таркибига эга бўлган, ҳар бири содда гапга тенг қурилмадан иборат бўлган қўшма гапдир. Политаксема ўз навбатида таркибидаги компонентлар сонига кўра икки компонентли: а) коллотаксема (collotaxeme), б) парентаксема (parentaxeme), в) паратаксема (paratаxeme), г) гипотаксема (hypotaxeme), уч компонентли гипертаксема (hypertaxeme), тўрт компонентли супер-таксема (supertaxeme), беш компонентли ультратаксема (ultrataxeme), олти ва ундан ортиқ компонентли архитаксема (architaxeme) каби турларга бўлинади. Кўриниб турибдики, Ғ.М.Ҳошимовнинг илмий тадқиқотида тилшуносликда илк бор гаплар, хусусан, поликомпонентли қўшма гаплар каби синтактик коммуникатив бирликларнинг мета-тушунчалари, метаатамалари, метатаърифи, метаназарияси ва шу йўсинда уларнинг метатили яратилган ва улар тизимли таснифлаштирилган [16. Б. 34–40].

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап масаласи Ғ.А. Абдураҳмонов томонидан чуқур ўрганилган [3. Б. 17]. Олим қўшма гапларни уч турга ажратади: боғловчисиз, боғланган ва эргашган қўшма гаплар. У ҳозирги замон ўзбек адабий тилида эргаш гаплар бош гапга бирдан ортиқ ҳолда тобеланиб келиб, қўшма гапнинг мураккаб турини ҳосил қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мураккаб қўшма гапни ташкил этган компонентлар ҳам эргашиш, ҳам тенгланиш орқали бирикиб келади ва уларни *аралаш қўшма гаплар* деб номлаш ҳам мумкин [3. Б. 500–504]. Олимнинг фикрича, таркибидаги компонентларнинг сонига кўра бундай қўшма гапларни қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқ: 1) уч компонентли тур: *Кун шу қадар исидики, чумчуқларнинг ҳам овози чиқмай қолди, ҳамма ўзини панага олди* (М. Пирматов); 2) тўрт компонентли тур: *Сингил акани яхши кўради – бу ҳам севги, Дўст-дўстни яхши кўради – бу ҳам севги* (Ойбек); 3) беш компонентли тур: *Барча гуллар, чечаклар, дарахтлар, майсалар, ниҳоллар яна кўкариб ўсиб куч йиға бошладилар; илгариги бир шох ўрнида энди икки-уч шох ўсиб чиқди, илгариги бир япроқ ўрнида ғужум-ғужум барра япроқлар пайдо бўлди, илгариги бир ғунча очилган ерда ўнлаб ранг-баранг ғунчалар сепилди; майсалар ҳам олтин ернинг мўл-кўл озуқаси – кулиб турган қуёшнинг ҳаётбахш нурларидан баҳра олиб, қулф уриб яшнадилар* (Ш. Рашидов); 4) олти ёки ундан ортиқ компонентли турлар:

Итинг ёмон бўлса, отиб қутуласан,
Отинг ёмон булса, сотиб қутуласан,
Қўшнинг ёмон булса, кўчиб қутуласан,
Эринг ёмон булса, кетиб қутуласан,
Феълинг ёмон бўлса, ўлиб қутуласан (Ўзбек халқ мақоли) [3. Б. 500–504].

Кўриб турганимиздек, инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гаплар ҳажми, яъни юзаки структурасидаги таркибий компонентлар сони жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, ҳар икки тилда ҳам 3, 4, 5, 6 ва ҳатто ундан ортиқ компонентли қўшма гаплар учраши мумкин. Аммо улар инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда кўп ҳолларда компонентлар сони ўзгариши мумкин:

Once there had been a tinted photograph of his wife on the wall but he had taken it down because it made him too lonely to see it and it was on the shelf in the corner under his clean shirt [18. Б. 52].

Қачонлардир деворда хотинининг рангдор сурати ҳам осиғлиқ турарди, аммо кейин чол уни беркитиб қўйди, чунки кўзи тушса жуда-жуда эзилиб кетарди. Энди сурат бурчакдаги шкафда, тоза кўйлак остида ётарди [19. Б. 45]

Юқоридаги мисолда инглиз тилидаги 4 компонентли қўшма гап ўзбек тилига ўгирилганда 3 компонентли қўшма гап ва битта алоҳида содда гапга айлантирилганини кузатиш мумкин, лекин 4-компонент ўзбек тилида алоҳида гап орқали берилган ва мантиқан у олдинги гаплар билан мустаҳкам боғланган, бу ҳолатда охирги гап олдинги гапларга «энди» сўзи орқали боғланган бўлиб, у дискурсив вазифа (воқеалар кетма-кетлиги)ни бажаряпти, ваҳоланки, шу сўз бўлмаса, охирги гап қолган гапларга аниқ боғлана олмаган бўларди. Бунга сабаб

қиёсланаётган тиллардаги гапларнинг мавжуд структурал ноўхшашлиги, сиғими ва у билан боғлиқ ҳолда синтактик-стилистик меъёр нуқтаи назаридан гапларнинг номувофиқлиги келиб чиққанидадир. Демак, қиёсланаётган тилларда поликомпонентли гапларнинг ўхшашлиги билан бир қаторда ўзига хос фарқлари ҳам бор.

Бизнингча, поликомпонентли қўшма гап сўз каби шундай яхлит синтактик, номинатив ва коммуникатив бирлик бўлиб, у ўзининг эга-кесим таркибига эга бўлган, структурал, семантик ва мантиқий жиҳатдан бир-бирини тақозо қиладиган, ўзаро асиндетик, синдетик ёки аралаш усулда боғланган, ҳар бири содда гапга тенг иккидан ортиқ қурилмаларни ўз ичига олган, бир яхлит, мураккаб коммуникатив интенцияни воқелантиришга қаратилган, гапнинг йирик коммуникатив-прагматик тури бўлиб ҳисобланади. Шу маънода олинганда, поликомпонентли қўшма гапларни қиёсий таҳлил қилишда қуйидаги мезонларга асосланиб иш кўриш мақсадга мувофиқдир:

1) поликомпонентли қўшма гапларнинг лингвокогнитив асослари (улардаги мураккаб лингвокогнитив семантиканинг бир-бирига боғланиш усуллари ва қонуниятлари);

2) поликомпонентли қўшма гаплар компонентлари орасида боғловчи воситалар (координатор ёки субординатор)ларнинг борлиги (синдетик турлари) ёки йўқлиги (асиндетик турлари);

3) поликомпонентли қўшма гаплар компонентлари орасидаги синтактик муносабат тури (соф тенг боғланиш, соф тобе боғланиш, аралаш боғланиш) ёки киришишнинг мавжудлиги (кириш бўлакли гапларда);

4) поликомпонентли қўшма гаплар ҳажми (неча компонентдан ташкил топганлиги);

5) поликомпонентли қўшма гапларнинг дискурсив жиҳатлари ва уларнинг мулоқотда қўлланиши;

6) поликомпонентли қўшма гапларда лингвокогнитив ва лингвокультурологик семантиканинг воқеланиш қонуниятлари ва ҳ.к.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қиёсланаётган тилларда поликомпонентли қўшма гапларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) уч компонентли боғланмаган (асиндетик) қўшма гаплар;

англ.: *I am here, they are there, you are nowhere;*

ўзб.: *Мен шу ердаман, улар у ерда, сиз ҳеч қаерда эмассиз.*

2) уч компонентли боғланган (синдетик) қўшма гаплар:

а) уч компонентли тенг боғланган (синдетик) қўшма гаплар;

англ.: *But there was an added drag now from the easterly breeze and the old man rode gently with the small sea and the hurt of the cord across his back came to him easily and smoothly* [18. Б. 25].

ўзб.: *Бугундан бошлаб ётоқ жойларда... йигитлардан битта навбатчи қолдирилди-ю, бошқа ҳамма пахтага чиқди ва теримчилар сони тўрт кишига ортди* (П. Қодиров).

б) уч компонентли эргашиш орқали боғланган (синдетик) қўшма гаплар;

англ.: *The old man could see the slight bulge in the water that the big dolphin raised as they followed the escaping fish* [18. Б. 12].

ўзб.: Мен ўзимни инсон билганда, гулга тўлиб баҳор келганда, юрагимда ҳавас уйғонди (Ҳ. Олимжон).

3) уч компонентли ҳам тенглашиш, ҳам эргашиш орқали боғланган қўшма гаплар;

англ.: *But it is rougher where you are going until you make the shore* [18. Б. 20].

ўзб.: *Агар киши ўз ҳирсларидан устун тура олса, у ўзидаги бор нуқсонларни йўқ қилади ва улар яхши сифатларга айланади* (Беруний).

4) тўрт компонентли боғланмаган (асиндетик) қўшма гаплар;

англ.: *Some feelings are shallow,*
Some feelings are deep;
Some make us smile,
Some make us weep [20].

ўзб.: *Тушдан кейин ҳамма жонланиб қолди: биров ҳазил қилган, биров шанғиллаб қандайдир воқеани сўзлаган, энг дангаса ишёқмаслар ҳам алланечук серғайрат, чаққон бўлиб қолган* (Ф. Мусажонов).

5) тўрт компонентли боғланган (синдетик) қўшма гаплар:

а) тўрт компонентли тенг боғланган (синдетик) қўшма гаплар;

англ.: *The moon had been up for a long time but he slept on and the fish pulled on steadily and the boat moved into the tunnel of clouds* [18. Б. 30].

ўзб.: *Кашиш ёш эди ва сал нарсага даров қизариб кетарди, у ҳаммамиз қатори форма кийган, фақат кулранг френчининг сўл кўкрак чўнтаги устида тўқ қизил духобадан салб қадалган эди* [21. Б. 94].

б) тўрт компонентли эргашиш орқали боғланган (синдетик) қўшма гаплар;

англ.: *If you always try your best*
Then you'll never have to wonder
About what you could have done
If you'd summonded all your thunder [22].

ўзб.: *Бу сўзни эшитгач, унинг юзлари оқариб, лаблари титраб, қўлидаги нарсаси тушиб кетди* (А. Қаҳҳор).

6) тўрт компонентли ҳам тенглашиш, ҳам эргашиш орқали боғланган қўшма гаплар;

англ.: *It was a high snowy mountain and it dominated the valley, but it was so far away that it did not make a shadow* [23. Б. 252].

ўзб.: *Кишининг зари бўлмаса-да, аммо унинг ҳунари бўлса, дунёда ҳеч бир хавф-хатар бўлмайди, шунинг учун киши ҳунар билан безанмоғи керак* [24].

Юқоридаги қиёслардан кўриниб турибдики, ҳар икки тилда поликомпонентли қўшма гапларнинг янада мураккаброқ турларини ҳам топиш мумкин экан. Демак, уларнинг структурал таркибига кўра турлари бир хил бўлиши мумкин, бироқ уларнинг ички таркиби (семантикаси) қисман фарқланиши мумкин, чунки майда маъно бўлакча (тус) лари муайян бир гап турида у ёки бу гап бўлагининг семантик тавсифи билан боғлиқ ҳолда фарқланиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, уларнинг тиллардаги асосий фарқлари шундаки, поликомпонентли қўшма гапларнинг бевосита амалдаги қолиплари ҳар бир тилда мазкур тилнинг миллий ресурслари орқали тўлдирилади, шу йўсинда мазкур гапларнинг когнитив-семантик структуралари воқелантирилади, зотан, когнитив-семантик структуралар ривожланган, тўлақонли инсон тафаккурида бир маромда акс этади.

Поликомпонентли қўшма гапларга тегишли структурал, маъновий, коммуникатив-прагматик ва текстга хос жиҳатлар кузатилиши айрим тадқиқотчилар учун бундай қўшма гапларни синтактик бутунлик – текст (дискурс) бирлиги сифатида баҳолашга асос бўлган. Жумладан, бир неча компонентлардан ташкил топган қўшма гапларга микротекст сифатида қараш Н.С.Ганцовская [25], А.М.Томилин, Г.Ф.Калашникова ва В.И.Соляник [8] кабиларнинг илмий изланишларида учрайди. Шу ўринда текст тушунчаси ва атамасига тўхталиш зарурати туғилади.

Маълумки, текст, яъни матн оддий кўринишда камида иккита мустақил гапдан тузилган, бир-бири билан семантик жиҳатдан узвий боғлаган мураккаб қурилма сифатида олиб қаралади [26. Б. 72]. Матн тадқиқига бағишланган ишларнинг аксариятида «дискурс»(фран. discours – нутқ) термини ҳам қўлланилади. Дастлаб «дискурс»ва «матн» терминлари айни бир тушунчани ифодалаш учун қўлланган бўлса, кейинроқ «матн» ёзма коммуникацияга нисбатан, «дискурс» эса оғзаки коммуникацияга нисбатан ишлатилиши таъкидланган [27. Б. 63].

Е.С.Кубрякова текст ва дискурснинг фарқини инкор этади: «Ушбу тушунчалар бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида қаралса-да, уларни «генетик алоқа»боғлаб туради. Бошқача айтганда, дискурс фаолиятисиз текст бўлмайди»[28. Б. 25] .

В.Г.Борботьконинг фикрига кўра: «Текст дискурсга нисбатан умумийроқ тушунча, лекин дискурс ҳар доим текст ҳисобланади»[29. Б. 113]. Ғ.М.Ҳошимов мақоласида текст ва дискурс бир хил тил ҳодисаси бўлиб, улар фақат атамалари билан фарқланишини қайд этган [30].

Айрим тилшунослар гапни матн бирлиги эмас деб ҳисоблайдилар. Масалан, И.Р. Гальперин гап эмас, балки бир қатор гапларни бирлаштирадиган нисбатан йирик бутунлик – фразадан катта бутунлик (сверхфразовое единство) матн бирлиги бўла олишини айтади [31. Б. 67, 68]. Ё.Тожиев ҳам ўз мақоласида ушбу масалада қуйидаги фикрларни билдиради: «Бизнингча, гап ва суперсинтактик бутунлик параллел ҳолда матн бирлиги бўлиши мумкин» [32. Б. 197]. Таниқли олим А.Мамажоновнинг матн ва қўшма гаплар борасидаги фикри ҳам аҳамиятга эга: «Бизнингча, синтактик алоқанинг бу тури қўшма гап компонентлари

орасидаги грамматик алоқага ўхшаб кетади, фақат мураккаброқ кўринишда юзага чиқади. Қўшма гапларда синтактик алоқа предикациялар орасида ўрнатилади, текстда эса синтактик алоқа бир бутун гаплар, суперфразали синтактик бирликлар, абзацлар, боблар, бўлимлар ўртасида юзага чиқиб, унинг мазмуний ва структурал бирлигини таъминлайди « [26. Б. 62]. М.Я.Блох ҳам шу ўринда гапнинг матн ҳосил қилишдаги энг муҳим унсур эканини айтади. Унинг фикрича, «матн гапдан ташқарида ҳукм ва хулосаларни ифодалай олмайди, яъни матн оламни онгли тарзда акс эттиришнинг тўлақонли воситаси бўлиб хизмат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлади» [33. Б. 48].

Ушбу таърифлардан келиб чиқиб, бу икки атама – матн ва дискурс бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, уларнинг бир хил тушунчани англатишини, ҳар қандай дискурс матн (текст) бўла олишини айтиш мумкин.

Текстга хос категориялар, яъни композицион бутунлик, информативлик, модаллик, когезия, когерентлик, интеграция ва тугаллик, шунингдек, қўшма гап таркибида учрайдиган эндофора, анафора, катафора, эпифора, экзофора ва омофораларнинг поликомпонентли қўшма гапларда ҳам ўз ифодасини топиши бундай қўшма гапларга текст қурилишининг минимал бирлиги – дискурсив бирлик сифатида қарашга асос бўлади. Масалан:

Лекин сен йиғлама, айлагил бардош,
Мозорлар йўқолур, гулга тўлур боғ,
Ғалаба яқиндир, барқ урар қуёш,
Булбул яна сайрар, бўлиб вақти чоғ,
Кул кетар, гул келар, ишон, новжувон,
Улуғ айём яқин, ғалаба яқин (Уйғун).

Кўриб турганимиздек, бу гапда информативлик, тугаллик, маъновий яхлитлик мавжуд, ушбу мавжудликни таъминловчи воситаларнинг энг муҳими гап, бу ўринда, поликомпонентли қўшма гапдир.

Демак, қўшма гапларнинг, шу жумладан, поликомпонентли қўшма гапларнинг матн тизимидаги ўрни, мақоми, айниқса, уларнинг матн ҳосил қилиш хусусиятини асло инкор қилиб бўлмайди. Гапнинг матн ҳосил қилиш хусусияти ҳақида гап кетганда, рус риторикаси намояндасининг «Гап дондир, ундан бутун асар етишиб чиқади» [34. Б. 122] деган фикрини ёдга олишнинг ўзи кифоя.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир гап, шу жумладан, содда, қўшма ва поликомпонентли қўшма гаплар ҳам нутқда ахборотнинг конкрет бирлиги сифатида ўз ифодасини топади, унинг грамматик тузилиши хабарнинг қандай ҳажмдаги коммуникатив мақсадга йўналтирилганига боғлиқ бўлади. Демак, гапнинг кенгайиши сўзловчи ёки ёзувчининг коммуникатив эҳтиёжи, мақсадидан келиб чиқади. Поликомпонентли қўшма гапларнинг таркиби, мазмуни ва семантикаси контекст ҳамда нутқий вазият эҳтиёжига қараб ўзгаради. Эҳтиёж қанча юқори, катта бўлса, қўшма гап ҳажми ҳам шунча кенгаяди.

Мулоқот чоғида эҳтиёжга кўра уларнинг барча тилда сўзловчилар томонидан онгли равишда, мақсадли қўлланиши кузатилади, тилни яхши биладиган, ўқимишли, юқори савияли кишилар, шоир ва ёзувчилар, сўз усталари, қизиқчилар каби турли ижтимоий қатламга, турли лингвокультурологик лаёқат ва тавсифга молик тил эгалари томонидан ҳам кўп қўлланади. Бундай жиҳатлар поликомпонентли қўшма гапларнинг лингво-культурологик хусусиятлари ҳам эътиборга лойиқ эканидан далолат беради. Поликомпонентли қўшма гапларни турли мулоқотларда, шу жумладан, таржимада қўллашдан кузатиладиган асосий мақсад мулоқотдошларнинг муайян муддао-мақсадларини бир-бирларига батафсил, таъсирли ва тўлақонли етказишдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қиёсий-типологик таҳлилга тортилган поликомпонентли қўшма гаплар – политак-семалар тилларда муайян изоморфик ва алломорфик жиҳатларга эга, бунда уларнинг изоморфик жиҳатлари барча тилларда ривожланиш муайян умумлисоний қонуниятларга кўра кечиши билан изоҳланади, уларнинг алломорфик хусусиятлари эса у ёки бу тилда сўзлашувчилар/ёзувчилар тафаккурининг фарқланиши ва бундай тафаккур у ёки бу тилда ўзига хос тил бирликлари орқали ифодаланишини тақозо қилиши билан тушунтирилади.

Адабиётлар:

1. *Поспелов Н.С*. О грамматической природе сложного предложения // В кн: Вопросы синтаксиса современногорусского языка. Сб.статей. – Москва: Учпедгиз, 1950. – С. 321–337.

2. *Бархударов Л.С., Штелинг Д.А*. Грамматика английского языка. – Москва: Издательство литературы на иностранных языках, 1960. – 425 с

3. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. II томлик. 2-том. / Масъул муҳаррир А.Абдураҳмонов. – Тошкент: Фан, 1976. – 560 б.

4. *Ильиш Б*. Строй современного английского языка. – Ленинград: Просвещение, 1971. – 366 р.

5. *Адмони В.Г*. Сложноспаянное предложение в тюркских языках // Советская тюркология, 1982. – №3. – С. 30–36.

6. *Мухин А.М.* Структура предложений и их модели. – Ленинград Наука, 1968. – 231 с.

7. *Черемисина М.И., Колосова Т.А.* Очерки по теории сложного предложения. – Новосибирск: Наука, 1984. –197 с.

8. *Калашникова Г.Ф., Соляник В.И*. Текстовые категории в многокомпонентном сложном предложении (на материале поэзии М.Ю.Лермонтова и Н. П.Огарева) // Русская филология. Украинский вестник, 2007. – № 2 – 3 (33). – С. 15–19.

9. *Блох М.Я.* Теоретическая грамматика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1983. – 383 с.

10. *Нурмонов А*. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.

11. Hoshimov G.M. Lectures on the Theory of Modern English Grammar. Andijan, 2013. – 112 p.

12. *Максимов Л.Ю.* Сложноподчиненное предложение в ряду других синтаксических единиц // В кн. Мысли о современном русском языке. – Москва: Просвещение, 1977. – 191 с.

13. *Валгина Н.С*. Современный русский язык. – Москва: Логос, 2001. – 415 с.

14. Синтаксис осложненного и сложного предложений / Составитель Михайлова О.А. – Екатеринбург: Издательство Уральского университет, 2012. – 95 с

15. *Гаврилова Г.Ф*. Категория негопозитивности в сложноподчиненном предложении // В кн.: Структурно-функциональный анализязыковых единиц. Сборник научных трудов. – Иркутск: Рост, 1985. – С.28–32.

16. *Хошимов Г.М.* Типология сложных предложений разносистемных языков. – Тошкент: Фан, 1991. –106 с.

17. *Дмитриева Л.К., Манаенко Г.Н*. Информационно дискурсивный подход к анализу осложненного предложения. – Ставрополь: Издательство, 2006. – 263 с.

18. *Hemingwey E.* The old man and the sea. – New York: Maple press, 2013. –52 p. URL: http://www.bookrags.com/studyguide-oldmansea/ (Мурожаат этилган сана: 04.05.2020)

19. *Ҳемингуэй Э.* Чол ва денгиз / И.Ғофуров таржимаси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 56 б.

20. Some feelings – poem. [Интернет ресурс]. URL: https://www.familyfriendpoems.com/ poems/other/short/ (Мурожаат этилган сана: 16.03.2020)

21. *Ҳемингуэй Э*. Алвидо, қурол! / И.Ғофуров таржимаси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 147 б.

22. *Vance B.* «If you always try»– poem [Интернет ресурс]. URL: https://suziebitner.com/wp-content/uploads/2014/08/Your-Best-770-800-PADDED.jpg (Мурожаат этилган сана: 03.04.2020)

23. *Hemingway E.* A Farewell to Arms. – New York: Charles Scribner's Sons, 1929. – 372 p.

24. Мураккаб қўшма гаплар. [Интернет манба]. URL: http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/content/ 3075/html/46034/11-mavzu.html (Мурожаат этилган сана: 20.10.2020)

25. *Ганцовская Н.С.* О типах содержательной информации в композиционной структуре усложненных сложноподчиненных предложений // В кн.: Исследования по семантике русского языка: межвузовский сборник научных работ. – Кострома: КГПИ им. Н.А.Некрасова, 1992. – С. 130–137.

26. *Мамажонов А.* Текст лингвистикаси. – Тошкент: ТДПИ, 1989. – 120 б.

27. *Одинцов В.В.* Стилистика текста. – Москва: Наука, 1980. – 263 с.

28. *Кубрякова Е.С*. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – 560 с

29. *Борботько В.Г*. Элементы теории дискурса. – Грозный: Чечено-Ингушский государственный университет, 1981. – 113 с.

30.*Ҳошимов Г.М., Корабоев Ж.Б.* Гипербола концептуал семантикасининг текстемик вербализаторларининг структурал турлари типологияси // Хорижий тилларни ўқитишда замонавий ёндашувлар мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, 2018. –Б. 13–18.

31. *Гальперин И.Р.* Текст как объект лингвистического исследования. –Москва: Наука,1981. – 140 с.

32. *Тожиев Ё.* Матнга ёндашув // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 197–205.

33. *Блох М.Я*. Теоритические основы грамматики. – Москва: Высшая школа, 2000. – 160 с.

34. *Хегай В.О*. О понятии «дискурс» // Филология масалалари, 2006. –№ 2 (11). – Б. 63–66.

STATUS, LENGTH AND DISCOURSIVE FEATURES OF POLYCOMPONENTIAL COMPOSITE SENTENCES IN NON-RELATED LANGUAGES

G.M. Hoshimov[1], S.J. Nazarova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 98-107.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *sentence,component, length of the sentence, communicative intention, polycomponential composite sentences, coordination, subordination, asyndetic coordination, syndetic coordination, mixed connection, text, discourse*, *discoursive features of polycomponential composite sentences.*

This article presents comparative-typological study of the status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in such non-related languages as English and Uzbek .

Despite a number of investigations on the syntax of the constructions which are larger than sentence in their structure and semantics, certain problems of the so called polycomponential composite sentences relating to their linguocognitive basis, status, length and discoursive features are still remaining debatable and waiting for their proper solution in modern science on language.

So, the article is aimed at fulfilling the following main tasks:

1)scientifically investigating the complex nature of the polycomponential composite sentences in modern Uzbek and English which don't represent the same typological language types;

2) revealing the linguocognitive basis of the polycomponential composite sentences ;

3) establishing structural–semantic types of the polycomponential composite sentences;

4) disclosing discoursive nature of the polycomponential composite sentences;

5) revealing isomorphic and allomorphic features of the polycomponential composite sentences and factors preconditioning them in the compared languages;

6) overcoming some difficulties in translation of the polycomponential composite sentences from one language into the other, etc.

As a result of fulfilling the above mentioned tasks, the following results have been gained:

a) the special literature on the syntactical constructions larger than sentence have been critically analized;

b) quite a number of empirical materials have been subjected to structural, semantic, communicative-functional and discoursive analyses of the polycomponential composite sentences in modern English and Uzbek,

c) certain isomorphic and allomorphic features of the polycomponential composite sentences have been revealed in modern English and Uzbek;

d) the means and ways of translation of the very type of composite sentences from one language into the other have been accented on, etc.

Here a big accent is made on the main factor that preconditions the length and size of the polycomponential composite sentences and their function as discoursive units, that is communicative intention of interlocuters, hence are the different types of polycomponential composite sentences in the languages compared, such cohesive and coherent textual(discoursive) means as endophoras(anaphora, cataphora, epiphora, exhophora, homophora) being extensively and intentionally used to verbalize some textual (discoursive) content and semantics.

As a result of the fulfilment of the above mentioned tasks the polycomponential composite sentences have been defined, characterized and classified into four main types of the latter such as: 1) polycomponential sentences with three components); 2)polycomponential sentences with four components; 3)polycomponential sentences with five component; 4) polycomponential sentences with six components.

References:

1. Pospelov, N.S. (1950) O grammaticheskoj prirode slozhnogo predlozheniya [On grammatical nature of a complex sentence]. In: *Voprosy sintaksisa sovremennogo russkogo yazyka Sbornik statej* [Questions of the syntax of the modern Russian language]. Collection of articles. Moscow: Uchpedgiz. Pp. 321-337.

2. Barkhudarov, L.S. Shteling, D.A. (1960) *Grammatika anglijckogo yazyka* [English grammar]. Moskow: Izdatel'stvo literatury na inostrannyh yazykah.

3. Abdurahmonov, G.(ed.) (1976) *O'zbek tili grammatikasi. Sintaksis* [Grammar of the Uzbek language. Syntax]. In 5 volumes. 4-volumes. Tashkent: Fan.

4. Il'ish, B. (1971) *Stroj sovremennogo anglijskogo yazyka* [The Structure of Modern English]. Leningrad: Prosveshchenie.

5. Admoni, V.G. 1982) Slozhnospayannoe predlozhenie v tyurkskih yazykah [Complex sentence in Turkic langages]. *Sovetskaya tyurkologiya.* No 3. Pp. 30-36.

6. Muhin, A.M. (1968) *Struktura predlozhenij i ih modeli* [Structure of sentences and their models]. Leningrad Nauka.

7. Cheremisina, M.I., Kolosova, T.A. (1984) *Ocherki po teorii slozhnogo predlozheniya* [Articles on the theory of composite sentences]. Novosibirsk: Nauka.

8. Kalashnikova, G.F., Solyanik, V.I. (2007) Tekstovye kategorii v mnogokomponentnom slozhnom predlozhenii [Textual categories in a polycomponential complex sentence]. *Russkaya filologiya. Ukrainskij vestnik.* No 2. 3 (33). Pp. 15-19.

9. Bloh, M.Ya. (1983) *Teoreticheskaya grammatika anglijskogo yazyka* [A Course in Theoretical English Grammar]. Moscow: Vysshaya shkola

10. Nurmonov, A.(2002) *O'zbek tilshunosligi tarixi* [The History of Uzbek linguistics].Tashkent: O'zbekiston.

11. Hoshimov, G.M. (2013) *Lectures on the Theory of Modern English Grammar*. Andijan.

12. Maksimov, L.Yu. (1977) *Slozhnopodchinennoe predlozhenie v ryadu drugih sintaksicheskih edinic* [Complex sentence among other syntactical units]. In: Mysli o sovremennom russkom yazyke [Thoughts on the modern Russian language]. Moscow: Prosveshchenie.

13. Valgina, N.S. (2001) *Sovremennyj russkij yazyk* [Modern Russian language]. Moscow: Logos.

14. Mihajlova, O.A.(ed.) (2012) *Sintaksis oslozhnennogo i slozhnogo predlozhenij* [Syntax of complex sentences]. Ekaterinburg: Izdatel'stvo Ural'skogo universitet.

15. Gavrilova, G.F.(1985) Kategoriya negopozitivnosti v slozhnopodchinennom predlozhenii [Category of non-positivity in a complex sentence]. In: Strukturno-funkcional'nyj analizyazykovyh edinic Structural and functional analysis of language units]. Collection of scientific papers. Irkutsk: Rost. Pp. 28-32.

16. Hoshimov, G.M. (1991) *Tipologiya slozhnyh predlozhenij raznosistemnyh yazykov* Typology of complex sentences in non-relatedlanguages]. Tashkent: Fan.

17. Dmitrieva, L.K., Manaenko G.N. (2006) *Informacionno diskursivnyj podhod k analizu oslozhnennogo predlozheniya* [Informational discursive approach to the analysis of complex sentences]. Stavropol': Izdatel'stvo.

18. Hemingway, E. (1952) *The Old Man and the Sea*. [Online]. URL: http://www.bookrags.com/studyguide-oldmansea/ (date of access: 04.05.2020)

19. Hemingwey, E. (1986) *Chol va dengiz* [The old man and the sea]. Translated by I.Gafurov. Tashkent: Yosh gvardiya.

20. Some feelings – poem. [Online] URL: https://www.familyfriendpoems.com/poems/other/short/ (date of access: 16.03.2020)

21. Hemingway, E. (1986) *Alvido, qurol!* [A Farewell to Arms]. Translated by I.Gafurov. Tashkent: Yosh gvardiya.

22.Vance B. If you always try [Online]. URL: https://suziebitner.com/wp-content/ uploads/2014/08/Your-Best-770-800-PADDED.jpg (date of access: 03.04.2020)

23. Hemingway, E. (1923) *A Farewell to Arms*. New York: Charles Scribner's Sons, 1929.

24. Murakkab qo'shma gaplar [Composite sentences]. [Online]. URL: http://reja.tdpu.uz/shaxsiyreja/content/3075/html/46034/11-mavzu.html (date of access: 20.10.2020)

25. Gancovskaya, N.S. (1992) O tipah soderzhatel'noj informacii v kompozicionnoj strukture uslozhnennyh slozhnopodchinennyh predlozhenij [On the types of informative information in the compositional structure of complicated complex sentences]. In: *Issledovaniya po semantike russkogo yazyka* [Research on the semantics of the Russian language]. Interuniversity collection of scientific papers. Kostroma: KGPI im. N.A.Nekrasova. Pp. 130-137.

26. Mamajonov, A. (2009) *Tekst lingvistikasi* [Linguistics of a text]. Tashkent TDPI.

27. Odincov, V.V. (1980) *Stilistika teksta* [Stylistics of a text]. Moscow: Nauka.

28. Kubryakova, E.S. (2004) *Yazyk i znanie. Na puti polucheniya znanij o yazyke: chasti rechi s kognitivnoj tochki zreniya*. Rol' yazyka v poznanii mira [Language and knowledge: On the way to gain knowledge on the language: Parts of speech from a cognitive point of view. The role of language in cognizing the world]. Moscow: Yazyki slavyanskoj kul'tury.

29. Borbot'ko, V.G.(1981) *Elementy teorii diskursa* [Elements of the theory of discourse]. Groznyj: Checheno-Ingushskij gosudarstvennyj universitet.

30. Hoshimov, G.M., Koraboev, J.B. (2018) *Giperbola konseptual semantikasi tekstemik vebalizatorlarining struktural turlari tipologiyasi* [Typology of structural types of textual vebalizers of conceptual semantics of hyperbola]. In: Proceedings of the international scientific-practical conference on modern approaches to foreign language teaching. Fergana. Pp. 13-18.

31. Gal'perin, I.R. (1981) T*ekst kak ob'ekt lingvisticheskogo issledovaniy* [Text as an object of linguistic research]. Moscow: Nauka.

32. Tojiev, Yo. (2010) Matnga yondashuv [An approach to a text]. In: Tilshunoslikning dolzarb masalalari [Actual issues of linguistics]. Collection of scientific articles. Tashkent: Akademnashr. P. 197

33. Bloh, M.Ya. (2000) *Teoriticheskie osnovy grammatiki* [Theory of Grammar]. Moscow: Vysshaya shkola.

34. Hegaj, V.O. (2006) O ponyatii «diskurs»[Onthe Concept of Discourse]. *Filologiya masalalari*. No 2 (11). Pp. 63-66.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Ҳошимов Ғанижон Мирзааҳмедович – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Инглиз тили грамматикаси кафедраси профессори. E-mail: ganijon50@bk.ru

Назарова Севара Жахонгир қизи – Андижон давлат университети Инглиз тили ва адабиёти кафедраси магистри. E-mail: sevaranazarova14@gmail.com